

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА ҚАТНАШИШ



ХУҚУҚИНГИЗ БОР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАЙДАРАЛИ МУҲАМЕДОВ**

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА  
ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

**Тошкент – 2021**

**УЎК: 347.471(041)(575.1)**

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

X.М. Мухамедов.  
Жамоатчилик назоратида қатнашиш  
хукуқингиз бор. Рисола.  
Т.: ТДЮУ нашиёти, 2021. – 55 б.

**Тақризчилар:** М.А. Ахмедшаева – юридик фанлар доктори,  
профессор;  
Ш.А. Сайдуллаев – юридик фанлар номзоди,  
профессор.

Мазкур рисолада мавжуд адабиётлардан фойдаланган ҳолда жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг иштироки масалалари ёритиб берилган.

Рисола кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	4
1. Жамоатчилик назорати нима? .....	7
2. Жамоатчилик назорати субъектлари.....	9
3. Жамоатчилик назоратининг объектлари.....	11
4. Фуқаролар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари.....	13
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик палатасининг мақсади ва вазифалари, унинг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни .....	14
6. Жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг ўрни .....	16
7. Фуқароларнинг жамоатчилик назорати кўпроқ қайси масалаларга қаратилади? .....	19
8. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш принциплари .....	21
9. Фуқароларнинг жамоатчилик назоратидаги иштирокининг ҳуқуқий асослари.....	25
10. Фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари ва сўровлари қандай тартибда амалга оширилади? .....	31
11. Фуқаролар давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиши ҳуқуқига эгами? .....	38
12. Фуқаролар жамоатчилик муҳокамасида қандай иштирок этади?.....	40
13. Жамоатчилик эшитуви .....	45
14. Жамоатчилик мониторинги .....	46
15. Жамоатчилик экспертизаси .....	47
16. Жамоатчилик фикрини ўрганиш .....	48
17. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшлиши қандай амалга оширилади? .....	48
18. Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари..	50
19. Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг мажбуриятлари .....	51
Холоса.....	52
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	53

## КИРИШ

Мамлакатимизда демократик ҳукуқий давлат барпо этиш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижаси кўп жиҳатдан ушбу жараёнда фуқароларнинг иштирокига боғлиқ. Негаки инсон манфаатлари билан боғлиқ жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммоларга, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзи дуч келади. Чунки фуқаро жамиятда қандай муаммога дуч келса, энг аввало, буни унинг ўзи ҳис қилади, нимага эҳтиёж сезишини ҳам кўпроқ ўзи билади. Шунинг учун фуқаролар манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни уларнинг иштирокисиз ҳал этиш мумкин эмас.

Бинобарин, ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий белгиси фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга кўйиш, уларнинг очик, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида тизимли ва изчил ишлар амалга оширилди. Айниқса, кейинги пайтларда фуқароларнинг ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизmlарини яратиш, жамоатчилик назорати функцияларини янада кучайтириш масала-ларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Зеро, фуқаролар фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳам аҳолини жамоат ва давлат ишларини бошқаришга фаол жалб этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва юридик саводхонлигини ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, тегишли соҳаларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали қарорлар қабул қилишнинг ғоят муҳим шарти экани белгиланди<sup>1</sup>. Шунингдек, мамлакат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Унда халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шаклларини жорий этиш, уларни амалга ошириш механизмларини батафсил регламентация қилиш, амалиётда самарали қўллаш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти, тегишли соҳалардаги ишларнинг ҳолатини яхшилашда самарали иштирокини таъминлаш масалаларини эътиборга олиш назарда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда айнан жамоатчилик назорати орқали жамият ҳаётидаги кўплаб муаммоларнинг ечими топилади. Фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати жамиятдаги мавжуд камчиликларни

<sup>1</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси. 05.10.2019 й., 07/19/4473/3864-сон.

бартараф этиш ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда юзага келадиган ҳуқуқий эҳтиёжларни аниқлаш, давлат органлари ва мансабдор шахслари фаолияти самарадорлигини ошириш, энг муҳими, бевосита фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш механизмининг янада такомиллашувига хизмат қиласди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги **Олий Мажлисга Мурожаатномасида** ҳам “Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак”<sup>2</sup>, деб алоҳида таъкидлади. Давлат раҳбари томонидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш таклиф этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш нинг самарали механизmlари шакллантирилди. Ҳусусан, жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари ва амалга ошириш механизmlари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун, шунингдек, қатор қонун хужжатларида ўз аксини топган.

Мазкур рисолада фуқароларнинг жамоатчилик назоратини амалга оширишда қай тарзда иштирок этиши мумкинлиги, бу жараённинг конституциявий-хуқуқий асослари, шакл ва усуллари ҳамда амалий аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

<sup>2</sup> Ҳалқ сўзи // – 2020. – 26 январь.

## 1. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ НИМА?

Жамоатчилик назорати бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратdir. Бошқача айтганда, жамоатчилик назорати фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари фаолияти қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя қиласлик ҳолатларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган фаолият. Демак, жамоатчилик назорати деганда, фуқаролик жамияти институтлари томонидан айнан давлат ва назорат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан амалга ошириладиган назоратни тушуниш лозим.

Жамоатчилик назоратининг бир кўриниши бу **фуқаровий назорат** бўлиб, у тегишли жамоат ташкилотлари ёхуд ташаббускор гурухлар вакиллари томонидан инсон ҳукуқларнинг бузилиши ёки унинг олдини олиш

мақсадида давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларда фуқароларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларига риоя этилиши устидан бевосита кузатув йўли билан амалга ошириладиган назоратdir.

Экспертларнинг фикрича, жамоатчилик назорати кимнидир жазолаш эмас, балки қабул қилинаётган норматив-ҳукукий ҳужжатлар, дастурларда жамоатчилик манфаатлари, фикрини ҳисобга олдириш, фуқароларнинг ҳукуқлари ва



қонуний манфаатлари, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функциялар, давлат хизматлари самарали кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш чораси ҳам ривожланган демократик давлатлар тажрибасида қўлланиладиган ижтимоий-сиёсий таъсир воситаси ҳисобланиб, тегишли мансабдор шахслар фаолияти жамоатчилик орасида кенг муҳокамалар ва танбеҳларга сабаб бўлади.

Жамоатчилик назорати институтидан унумли фойдаланиш жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг самарали ташкил этилишида, давлат органлари раҳбар-ходимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишларида, ҳар бир инсон онгида мамлакатда кечеётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларга нисбатан масъулият, ташаббускорлик, дахлдорлик ҳислари қучайиб боришида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқаролар ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатларига муросасиз бўлса, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо бериб турса, ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин баён этса, ана ўшанда жамиятда чинакам қонун устуворлиги таъминланади.

Боз устига, сўнгги йилларда, айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабат туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонун бузилиши ҳолатларига чек қўйилаётгани ҳам айнан жамоатчилик назорати институтининг самарасидир, десак муболага бўлмайди.

Бироқ, шу билан бирга, баъзи фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти, уларнинг

функция ва вазифалари, амалга ошираётган ишлари ҳақида аниқ тушунча ва тасаввурларга эга бўлмай туриб, ижтимоий тармоқларда билиб-бilmасдан турли хил тухмат, ҳақорат сўзлар билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга уриш, ўз фикр-мулоҳазаларини ноқонуний ва қўпол тарзда ифода этиш ҳолатлари учраб турибди. Бу тарздаги хатти-ҳаракатлар қонунга хилофдир. Бундай қилмишлар учун қонунларда тегишлича маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарлик белгиланган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, жамоатчилик назорати институтининг амалда ишлаши учун ҳар бир фуқаронинг сиёсий, ҳукуқий ва ижтимоий фаоллигини ошириш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир маҳалла ва оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик назорати хусусида доимий тарғибот ишларини олиб бориш лозим.

## 2. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ

Жамоатчилик назорати ҳақида сўз юритилар экан, табиийки, бу назоратни кимлар ёки қандай органлар амалга оширади, деган савол туғилади. Бу саволга Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунидан жавоб топиш мумкин. Ушбу қонунда жамоатчилик назоратини кимлар ва қайси ташкилотлар амалга ошириши аниқ белгилаб қўйилган. Куйидагилар жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланади:

## Ёдда тутинг!

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
  - қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари;
  - қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари;
  - жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва жамоатчиликнинг бошқа ташкилий тузилмалари.



Демак, республиканизнинг ҳар бир фуқароси жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида жамоатчилик назоратининг турли шаклларидан фойдаланган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан назорат қилиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этиши мумкин. Аммо ҳар бир фуқаро бу ҳукуқдан фойдаланаётганда, бошқа шахсларнинг шаъни ва қадрқимматини камситиш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибга ҳаққи йўқлигини унутмаслиги, жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиши керак.

### **3. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ОБЪЕКТЛАРИ**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ўз мажбуриятларини ижро этиши билан боғлиқ фаолияти – жамоатчилик назоратининг обьекти сифатида эътироф этилган. Ижро ҳокимиятининг фуқаролар турмуш эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини амалга ошириш каби фаолияти қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шунингдек, ижтимоий муносабатларнинг тобора мураккаблашуви, воқеа-ҳодисаларга тезкор чоралар кўриш зарурияти ижро ҳокимиятидан қатъий қарор қабул қилишни талаб қиласди. Ижро ҳокимиятининг худди шундай фаолияти жамоатчилик назоратининг асосий обьектларидан бири ҳисобланади.

Жамоатчилик назоратининг субъектлари томонидан қандай фаолият ёки масалалар назорат қилинишига қараб, ушбу назоратнинг обьекти аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 4-моддасига кўра, жамоатчилик назорати обьектлари қуидагилар:

#### **Эслаб қолинг!**

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қуидаги йўналишлардаги фаолияти жамоатчилик назоратининг обьекти ҳисобланади:

**Биринчидан**, қабул қилинаётган норматив-хуқукий хужжатлар, қарорлар, шунингдек, ривожланишнинг давлат, тармоқ ва худудий дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва фикрини ҳисобга олиш.

**Иккинчидан**, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлаш.

**Учинчидан**, ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажариш.

**Тўргинчидан**, давлат хизматларини кўрсатиш.

**Бешинчидан**, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажариш.

Қонунда жамоатчилик назорати обьектининг аниқ белгилаб қўйилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахсларини жамоатчилик назорати остидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб, қонунларга оғишмай амал қилиш ва уларни сўзсиз ижро этишга ундаш билан бирга, ижро ҳокимиятининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, хатоларни тузатиш ва халқчилликни таъминлашга хизмат қиласди.

Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг халқ олдида масъул экани тўғрисидаги конституциявий тамойилни амалда таъминлаш, уларнинг фуқароларга ўз сиёсати, ҳаракатлари хақида муентазам равишда ахборот ва ҳисбот бериб бориш амалиётини жорий қилиш бугунги кун ва демократия талабидир.

## **4. ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ**

### **Эслаб қолинг!**

**“Жамоатчилик назорати түғрисида”ги қонунда жамоатчилик назоратининг қуйидаги шакллари белгиланган:**

- давлат органларига мурожсаатлар ва сўровлар;**
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлислиарида иштирок этиши;**
- жамоатчилик муҳокамаси;**
- жамоатчилик эшиитуви;**
  
- жамоатчилик мониторинги;**
- жамоатчилик экспертизаси;**
- жамоатчилик фикрини ўрганиши;**
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органлари, боинқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшиитиши.**



“Жамоатчилик назорати түғрисида”ги қонунда назарда тутилган ушбу шакллар орқали давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини ўрнатиш, бу йўл билан таъсирчан жамоатчилик назоратини жорий қилиш мумкин. Масалан, жамоатчилик назорати субъектлари, жумладан, фуқаролар давлат органларига ариза, шикоят ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли. Айни пайтда фуқаролик жамияти институтлари муайян худудда аҳолини ташвишга солаётган масала юзасидан мурожаат ёки сўров юбориш орқали мазкур муаммони ҳал этишга кўмаклашиши мумкин.

## **5. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИННИГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, УНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЎРНИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони билан мамлакатимизда 50 нафар аъзодан иборат Жамоатчилик палатаси ташкил этилди. Айни пайтда ҳар бир худудда унинг бўлимлари фаолият юритмоқда.

### **Эслаб қолинг!**

**Жамоатчилик палатасига қўйидаги хуқуқлар берилди:**

- фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиши тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузалар тайёрлаши;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириши ҳамда тузатишлар киритиши тўғрисида таклифлар бериш;
- мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиши уйготадиган ўта муҳим ва долзарб масалаларга доир норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;
- давлат органларига қонунлар, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан тушунтириши бериш талабини юбориш.

Худудий жамоатчилик палаталари худудларда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий доиралар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакилларидан танлаб олинадиган 21 нафар аъзодан иборат

таркибда шакллантирилади. Унинг аъзолари З йил муддатга тайинланиб, жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Фармон билан “Mening fikrim” веб-портали Жамоатчилик палатаси тасарруфига ўtkазилди.

## Эслаб қолинг!

### Палата жамоатчилик назорати бўйича бевосита куйидаги йўналишларда фаолият кўрсатади:

- аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориши, жойларда ва соҳаларда долзарб масалаларни муҳокама қилиши ва уларнинг ечими бўйича таклифлар киритиш;
- фуқаролик жамиятини ривож-лантириши соҳасида тадқиқотлар олиб бориши юзасидан ташаббус кўрсатиш, жамоатчилик фикрини ўрганиши, умумлашириши ва таҳлил қилиши;
- давлат идоралари ҳузуриданаги жамоатчилик кенгаилари фаолиятини кучайтиши;
- мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаёти ва жамоатчиликда алоҳида қизиқши уйготадиган норматив-хукуқий ҳуёжжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўtkазиш, маслаҳатланув ва эшигувлар ташкил этиши;
- жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириши, “жамоатчилик эшигуви”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик мониторинги” каби таъсирчан замонавий назорат шаклларини амалда жорий этиши;
- ислоҳотлар ва давлат дастурларининг жойларда, шунингдек, соҳаларда амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини ташкиллаштириши.



## **6. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳар бир давлат органи, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди.

Қарор билан “Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисида”ги намунавий низом ҳам тасдиқланди. Унга кўра, жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкилот марказий аппарати ҳузурида ташкил этиладиган, ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади. Унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга. Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, меҳнат фахрийлари, тажрибали ва обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қабул қилинади.

Юқоридаги низомда жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тартиби ва фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил кўрсатиб берилган.

**Қўйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:**

1) қабул қилинаётган ҳар қандай ҳужжатларда жамоатчилик манфаатлари ва фикри ҳисобга олиниши ҳамда шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик

манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

2) давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш;

3) давлат бошқаруви органларига фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;

4) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

5) давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

6) давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

7) давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

8) давлат органи фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий

тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

9) давлат органлари ходимлари ва оиласарининг уй-жой, ижтимоий-майший, хизмат шарт-шароитлари, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитлари, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

## Эслаб қолинг!

### Жамоатчилик кенгashi ҳуқуқлари:

- давлат органи томонидан ташкил этиладиган бўлајсак очиқ ҳайъат мажслислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиши;
- давлат органи бинолари (хоналари) ва бошқа обьектларини белгиланган тартибда бориб кўриши;
- давлат органи раҳбарларига жамоатчилик кенгани ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритши;
- давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқши ҳамда амалга ошириши учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материаларини белгиланган тартибда олиш;
- давлат бошқаруви органларига фуқаролик жамоатчилик институтларидан келиб тушган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқши;
- давлат органининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва эксперталар муҳокамасини таъминлашида иштирок этиши;

- мурожсаатларига давлат органи томонидан берилган жавобларни таҳлил қилиши;
- давлат органи ходимларининг розилиги билан уларнинг ўй-жой, ижтимоий-майший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиши;
- оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиши;
- конференциялар, форумлар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиши.

## **7. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КҮПРОҚ ҚАЙСИ МАСАЛАЛАРГА ҚАРАТИЛАДИ?**

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, хуқукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор”<sup>1</sup>.

### **Эслаб қолинг!**

#### **Конунга биноан жамоатчилик назорати кўпроқ қўйидаги масалаларга қаратиласди:**

- истеъмолчилар хуқуқларига риоя этилиши;
- озиқ-овқат шохобчалари фаолияти;
- тиббий ва таълим муассасалари фаолияти;
- меҳнат ва бандлик масалалари;
- ижтимоий таъминот;
- пенитенциар муассасаларда маҳкумларнинг майший яшаш шарт-шароитлари;

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг мухим мезонидир. [aza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onunustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019](http://aza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onunustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019).

- маҳаллаларда қонунларнинг ижро этилиши ва бошқа шу каби фуқароларнинг яшаш тарзидаги энг муҳим масалалар.

2019 йилнинг 29 августида қатор қонун хужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

### Эслаб қолинг!

#### **Жамоатчилик назорати субъектларига қўйидаги соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш хуқуки берилди:**

- давлат тасарруфидан чиқарииш ва хусусийлаштириши;
- озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаши;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиши ва ундан фойдаланиши;
- ўрмонларни муҳофаза қилиши, ҳимоя қилиши, кўпайтириши, тақрорий кўпайтириши, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириши ва улардан фойдаланиши;
- радиациявий хавфсизликни таъминлаш;
- психиатрия муассасалари, шунингдек, психиатрия ёрдами кўрсатувчи шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши.

Қонунга киритилган тузатишларнинг бир қисми бюджет жараёнининг очиқ-ошкоралигига тааллуқлидир. Хусусан, маҳаллий бюджетларнинг параметрлари, улар ижроси ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнлари оммавий ахборот воситаларида ёритилади. Давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин уларнинг жамоатчилик муҳокамасини таъминлаш вазифаси Молия вазирлигига юклатилган. Прогноз йил учун Давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари

хамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари юзасидан Ҳисоб палатасининг хуросалари мажбурий равишда эълон қилинади.

Вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланилиши, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисидаги тегишли ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириши лозим.

## 8. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

### Эслаб қолинг!

#### Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишида иштирок этишининг ихтиёрийлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишининг оммавийлиги ва очиқлиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;
- жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашуви ва уларга гайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

**Қонунийлик** принципи, аввало, қонунлар ва унинг асосида қабул қилинган бошқа хукуқий хужжатларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилишидир. Шу билан бирга, бу принцип фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари оғишмай таъминланиши, уларга нисбатан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қандайдир ўзбошимчалигига йўл кўйилмаслиги кераклигини ҳам назарда тутади.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги қонунийлик принципи шуни англатадики, фуқаролар, биринчидан, Конституция ва қонунларга амал қилиши, иккинчидан, ўз хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини юридик тақиқларга мослаштириши, учинчидан, қонунлар билан тақиқланган ҳаракатларни бажаришдан ўзларини тийиб туриши зарур. Шунингдек, қонунийлик принципи мазмунидан жамоатчилик назорати субъектлари нафақат Конституция ва қонунларга риоя қилиш, балки уларда мустаҳкамланган нормаларни фаол бажариши лозим, деган маъно ҳам келиб чиқади.

Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектларнинг риоя қилиши лозим бўлган яна бир муҳим принцип – бу **фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигидир**. Мазкур принципнинг асосий моҳияти шундан иборатки, жамоатчилик назорати, аввало, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай давлат органи фаолияти инсон ва жамият фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қиласди.

Жамоатчилик назоратида иштирок этиш **ихтиёрийлик принципи** асосида амалга оширилади. Ҳеч бир давлат органи ёки мансабдор шахс бирон-бир фуқаро ёки фуқаролик жамияти институтини жамоатчилик назоратида иштирок этишга мажбурлай олмайди.

Жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлариға мурожаатлари ва сўровлари, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлислирида иштирок этиши, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоат-чилик фикрини ўрганишни ўтказиши, фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва муассаса-ларнинг ҳисботларини эшитиши оммавий ва очиқ-ошкора тарзда амалга ошири-лади.



Жамоатчилик назорати субъектларининг **холислиги ва беғаразлиги** шуни англатадики, ушбу назоратни амалга оширувчи шахслардан фаолияти назорат қилинаётган давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан шахсий адоват ва душманлик муносабатларida бўлмаслиги, шунингдек, айни пайтда мазкур давлат органларининг ходимлари, яқин қариндошлари, манфаатдор шахслар сифатида иштирок этмаслиги талаб қилинади. Жамоатчилик назорати субъектлари назорат қилинаётган фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириши шарт.

Шуни унумаслик лозимки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлар фаолиятига доир маълумотларни қонунга хилоф равища йиғиш, сақлаш, ўзgartариш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади. Жамоатчилик назорати натижалари аниқ фактлар ва далиллар асосида, **ишончли** ва тасдиқланган маълумотлар билан расмийлаштирилиши зарур. Давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари фаолияти ҳақида қасдан ёлғон ва сохта маълумотлар тўплаш,



уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган нотўғри ахборотлар тарқатганлик учун тегишлича жавобгарликлар келиб чиқиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асосиз аралашуви ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмайди. Қонунга кўра, жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган хукуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.



## **9. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДАГИ ИШТИРОКИННИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **Эслаб қолинг!**

**Фуқароларнинг жамоатчилик назоратидаги иштироки қўйидаги қонуилар билан кафолатланади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 сентябрдан кучга кирган янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожсаатлари тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 1 январдан кучга кирган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олии кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси МЖтК, ЖК, ЖПК, ФПК ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари.

**1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 32-моддасида фуқароларнинг жамоатчилик назорати билан боғлиқ ҳуқуқлари конституциявий норма даражасига кўтарилиган. Унга кўра: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай**

иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади”.

Юқоридагилар билан бирга, Конституциямизнинг бошқа бир қатор моддаларида ҳам жамоатчилик назоратининг умумий асосларини белгиловчи нормалар мавжуд. Жумладан, Бош қомусимизнинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, 7-моддада эса “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади”, деб белгиланган.

Конституциянинг юқоридаги нормалари давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган.

**2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни** фуқароларнинг жамоатчилик назоратидаги иштирокини кафолатловчи маҳсус қонун ҳисобланади. Мазкур қонуннинг асосий мақсади ҳам давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатdir.

**3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 сентябрдан кучга кирган янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий кафолатларини белгиловчи яна бир муҳим қонунлардандир. Ушбу қонун давлат органлари ва давлат муассасалари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, айни пайтда жамоатчилик назоратининг айрим жиҳатларини ҳам мустаҳкамлайди.**

**4. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шу жумладан, тармок, худудий дастурлар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий хужжатлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Жамоатчилик назоратининг субъектлари ана шундай ҳамкорлик йўли билан ҳам давлат органлари фаолиятини назорат қилиб туради. Ҳусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши, давлат органлари билан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиши, ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар тузиши, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши, ўзаро ахборот алмашиб туриши орқали ҳам жамоатчилик назорати амалга оширилиши мумкин.**

**5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунида жамоатчилик назоратига оид нормалар мавжуд. Хусусан, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш), расмий веб-сайтларда жойлаштириш ва янгилаб бориш, ҳамма кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон хужжат шаклида) ахборот тақдим этиш усуллари белгилаб кўйилган. Шу билан бирга, ушбу усуллар рўйхати қатъий чекланган бўлмай, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни кўриб чиқиш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши керак (19-модда).**

**6. Ўзбекистон Республикаси “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришнинг асосий принциплари келтирилган бўлиб, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият**

органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш” унинг тамойиларидан бири сифатида қайд этилган.

**7. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашга қаратилган бир қатор механизмлар белгилаб берилган. Унга кўра, Конституция бўйича тегишли мажбурият юкланган юқорида қайд этилган субъектлар мақбул ахборот ресурслари яратиши, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлаши шарт.**

**8. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасида жамоат бирлашмалари давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этиш, давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритиш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эгалиги қайд этилган.**

**9. Ўзбекистон Республикаси МЖтК, ЖК, ЖПК, ФПК ва бошқа қатор қонун ҳужжатларида ҳам жамоатчилик назорати ёки жамоатчиликнинг иштироки шаклида келтирилган нормалар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 6-моддасида жиноят қонунчилигининг демократизм принципи акс этган бўлиб, унда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки**

жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-, 21-, 25-, 40-44-, 80-, 322-, 326-, 349-, 459-, 524-, 531-, 536-, 539-, 543-, 545-, 580-моддаларида жиноят процессида жамоатчилик иштироки ва ўрни белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда жамоатчилик назорати ҳамда жиноят процессида жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг иштироки тўғрисида қўйидаги нормалар акс этган:

- шартли ҳукм қилиш тўғрисида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномаси бўлса, суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-авторини кузатиш учун уни шу бирлашма ёки жамоага топшириши мумкин (459-модда);

- муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидағи жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа илтимосномасига биноан судья томонидан амалга оширилади (536-модда);

- ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала судья томонидан кўриб чиқилаётган пайтда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек, илтимос кўзғатган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт (545-модда);

## **10. ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТЛАРИ ВА СЎРОВЛАРИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларниң мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни фуқароларниң давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқини кафолатлади ва мурожаатларни кўриб чиқиш тартибтаомилларини белгилаб беради.

### **Эслаб қолинг!**

#### **Фуқаролар:**

- давлат органлари аризалар, ишкоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборилига ҳақли;*
- уларнинг мурожаатлари ва сўровлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқлади;*
- фуқароларниң ахборот олишига бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.*

Фуқаролар “MENING FIKRIM” жамоавий мурожаатлар портали орқали ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан таклифлар билан мурожаат қилиши мумкин.

## **Фуқаролар мурожаат этиши ҳуқуқидан фойдаланаётганда, қуйидагиларга риоя этиши шарт:**

- бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслик;
- жамият ва давлат манфаатларини бузмаслик.

**Мурожаатларнинг  
турлари:**

- ариза;
- таклиф;
- шикоят.

**Мурожаатларнинг  
шакллари:**

- оғзаки;
- ёзма;
- электрон.

### **Эслаб қолинг!**

**Ариза** – ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

**Таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

**Шикоят** – бузилган ҳуқуқлар, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

Мурожаатлар тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

## **Фуқаронинг мурожаатида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:**

- унинг фамилияси (исми, отасининг исми);
- яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;
- мурожаатнинг моҳияти;
- ёзма мурожаат қилгандა, албатта, имзоси.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Электрон мурожаат Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

Электрон мурожаатда электрон рақамли имзо, мурожаатни жўнатувчи юридик шахс номи, агар жисмоний шахс бўлса, унинг фамилияси, исми, отасининг исми, электрон мурожаат жўнатувчининг почта ва электрон манзили, мурожаат қилинган сана кўрсатилиши шарт.

### **Эслаб қолинг!**

**Куйидаги мурожаатлар аноним мурожаатлар хисобланади ва улар кўриб чиқилмайди:**



- фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшиаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган;
- улар ҳақида ёлгон маълумотлар курсатилган;
- имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар.

Қонунга биноан, давлат органларида фуқароларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади. Вакилларни қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалларига мувофиқ ўтказилади. Бу ҳақдаги маълумотлар давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, маҳсус стендларга жойлаштириш орқали манбаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат қилаётганды, ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни күрсатиши керак.

Давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда, қабулни рад этишга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси орган ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилиши керак.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равища бошқа давлат органларига ўтказиш, қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органлар ёхуд мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, улар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай, асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси мурожаат этувчидан қўшимча ахборот сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сири ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат

органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

### **Эслаб қолинг!**

#### **Мурожаатларни кўриб чиқиши муддатлари**

– Ариза ёки шикоят давлат органига келиб тушиган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиши ва (ёки) текшириши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиши талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

– Қўшимча текшириши ўтказиш, материалар сўраб олиши ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриши зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиши муддатлари истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин,

– Таклифлар бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишини талаб этадиган таклифлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2016 йил 22 февралдаги буйруғига асосан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома ишлаб чиқилган. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги 320-сон қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни

қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартибини белгилайди.

Давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд электрон хужжат шаклида тақдим этилиши мумкин. Бунда электрон хужжат шаклидаги сўровлар давлат органларининг расмий вебсайтлари, расмий электрон почта манзилари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади.

Электрон хужжат шаклида сўров тушган кунида қоғозга босиб чиқарилиши керак.

Ахборотдан фойдаланувчини идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўров аноним хисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Сўров давлат органига келиб тушгандан сўнг у сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан Сўровларни рўйхатга олиш журнали ёки электрон хужжат айланиш тизимига қайд этилади.

Сўровларни рўйхатга олиш журнали ёки электрон хужжат айланиш тизимида сўров қабул қилинган сана, сўровнинг тартиб рақами, сўров билан мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш жойи (юридик шахслар учун – юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар, сўровнинг қисқача моҳияти, агар сўров дубликат ёки такрорий бўлса, унинг дубликат ёки такрорийлиги ҳамда сўров ижроси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Резолюцияда сўровни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма(лар) раҳбарининг фамилияси, топшириқ мазмуни акс эттирилади ҳамда давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва сана кўйилади.

Резолюция ёзилганидан сўнг сўров сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан уни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма ходимига имзо кўйдирган ҳолда топширилади.

Сўровлар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади.

Давлат органида мазкур ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган график асосида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Ахборотдан фойдаланувчи оғзаки мурожаат этаётганда, давлат органи масъул ходимига ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати, юридик шахснинг вакили эса ўзининг шахси ва ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларини кўрсатиши керак. Бундай ҳужжатларни кўрсатмаган ахборотдан фойдаланувчилар қабул қилинмайди.

Ахборотдан фойдаланувчиларнинг оғзаки сўровлари давлат органининг “Ишонч телефонлари” орқали қабул қилиниши мумкин. Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

## **11. ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ОЧИҚ ҲАЙЬАТ МАЖЛИСЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ ХУҚУҚИГА ЭГАМИ?**

Жамоатчилик назорати субъектлари, жумладан, фуқаролар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш хуқуқига эга. Давлат органлари ўзининг очиқ ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қарори билан 2015 йил 25 ноябрда “Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисида”ги намунавий низом чиқарилган. Мазкур низом “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунга қўра, ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартибини белгилайди. Бунга қўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборотдан фойдаланувчиларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартибини белгилаши, бунинг учун зарур шароитлар яратиши лозим.



Қонунга асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

## Эслаб қолинг!

### Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари:

- ахборотдан фойдаланувчиларнинг очиқ ҳайъат мажлислирида ҳозир бўлиши тартибини белгилаши;
- очиқ ҳайъат мажлислирида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратишни лозим.

Давлат органларининг ҳайъат мажлислири очиқ тарзда ўтказилади, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат органлари очиқ ҳайъат мажлислирини ўтказиш режалари, кун тартиби, санаси, жойи ва вақти ҳамда бошқа зарур маълумотларни ахборот стендларига мажлис ўтказилишидан камида уч кун олдин жойлаштириши шарт.

Ахборотдан фойдаланувчи очиқ ҳайъат мажлислирида ҳозир бўлиш учун тегишли давлат органига сўров билан мурожаат қиласди. Сўров қонунда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

Ахборотдан фойдаланувчининг идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўровлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Сўров келиб тушган куни давлат органи томонидан рўйхатга олинади ва зудлик билан кўриб чиқилади.

Сўровга асосан, ҳайъат масъул котиби ахборотдан фойдаланувчини очиқ ҳайъат мажлисида иштирок этувчилар рўйхатига киритади ҳамда бу ҳақда унга маълум қиласди.

Очиқ ҳайъат мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ёки жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилинади.

Ахборотдан фойдаланувчилар очиқ ҳайъат мажлисига шахсини тасдиқловчи хужжати асосида киритилади.

Давлат органлари очиқ ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залда ахборотдан фойдаланувчилар учун жой тайёрлайди. Иштирокчилар сони кўпайиб кетса, улар очиқ ҳайъат мажлисининг боришини видео тасвир орқали монеликсиз кузатиб бориши мумкин бўлган хонага жойлаштирилиши мумкин.

Ҳайъат мажлисига кечикиб келиш мумкин эмас. Мажлисга кечикиб келганлар киритилмайди.

Ахборотдан фойдаланувчи мажлис ўтказилаётган вақтда тартибни бузса, раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади, тартибни такроран бузган тақдирда, мажлис ўтказилаётган залдан чиқариб юборилади.

Ахборотдан фойдаланувчиларга очиқ ҳайъат мажлисини фотосурат, видео тасвирга олиш ва овоз ёзиш воситаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

## **12. ФУҚАРОЛАР ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА ҚАНДАЙ ЭШТИРОК ЭТАДИ?**

Мамлакатимизда фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатлар ёки ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамаларида иштирок этиши учун қонунларимизда етарлича ҳуқуқий механизmlар яратилган. Масалан, “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот томонидан ишчи гурӯҳ (комиссия) тузилиши мумкинлиги, унинг таркибига нодавлат ташкилотлар

вакиллари ва фуқароларнинг ўз розилиги билан кириши мумкинлиги белгиланган. Мазкур қоидаларнинг амалий ижросини парламент фаолиятида, унинг қўмиталари ва комиссиялари ишига нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларини кенг жалб этилишида кўришимиз мумкин. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гурухлари таркибиغا давлат органлари, илмий муассасалар вакиллари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини ҳам киритади.

Мазкур жараённинг ҳуқуқий механизмлари “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида янада батафсил мустаҳкамлаб қўйилган. Бунга кўра, “ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари, давлат органларининг бошқа қарорларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.

### **Эслаб қолинг!**

#### **Жамоатчилик муҳокамасини қўйидагилар ўтказиши мумкин:**

- нодавлат нотижорат ташкилотлари;*
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органлари;*
- оммавий ахборот воситалари.*

Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гурухларнинг вакиллари, шу жумладан, муҳокама этилаётган масала ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг иштирокида ўтказилиши мумкин.

Бу нормалар давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, 2017 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги

фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у билан бирга қўйидаги иккита ҳужжат – 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди. Бунда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтлари сиёсий-хукуқий жиҳатдан юксак фаоллик кўрсатиб, муҳокама жараёнларида қизғин иштирок этди. Хусусан, лойиҳаларнинг “Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1 минг 310 та таклиф ва мулоҳазалар келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.

### **Эслаб қолинг!**

#### **Жамоатчилик муҳокамаси:**

- турли ижтимоӣ гуруҳларнинг вакиллари иштирокида ўтказилиши мумкин;
- муҳокама этилаётган масалага дахлдор шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин;
- оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин;
- оммавий ва очиқ ўтказилади;
- иштирокчилари муҳокамага киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдириши ва таклифлар киритишга ҳақли;
- ташкилотчиси муҳокамага киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиши муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қиласи;
- ташкилотчиси муҳокамага киритилаётган масалаларга оид материаллардан барча иштирокчиларнинг эркин фойдаланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фуқаролар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш орқали уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2019 йил 1 июлда “Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Мазкур қарор билан ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу низомда ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий хужжат лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг мақсадлари ҳам белгилаб қўйилди.

## Эслаб қолинг!

### **Норматив-хуқуқий хужжатларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг мақсадлари:**

- фуқароларга жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- фойда, харажат ва куттилаётган натижалар таҳтили ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаoliyatiга, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаши имконини яратиш;
- норматив-хуқуқий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошка

*хуқуқбузарликлар содир этишиши учун шароит яратадиган, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурӣ ҳамда боиқа чекловларни жорий этадиган ёки жорий этишига шароит яратадиган қоидаларни аниқлаши;*

*идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини ишилаб чиқпилаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан (шу жумладан, зарар ва зиён) келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиши.*

Юқоридаги низомда кўрсатилганидек, барча норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик мухокамасини ўтказиш учун Ягона порталга жойлаштирилиши лозим.

### **Эслаб қолинг!**

**Факат қуйидаги масалаларни ўз ичига олган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари бўйича жамоатчилик мухокамаси ўтказилмайди:**

- давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган боиқа сирлар;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириши;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиши ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиши;
- халқаро шартномаларни тузиш, бажарии, тўхтатиб туриши ёки тўхтатиши муносабати билан тайёрланган, шунингдек, ташқи алоқаларни ташкил этишига таалуқли бўлган;
- мудофаа ва давлат хавфсизлигини таъминлаши, Ўзбекистон Республикасининг боиқа давлатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорлигини амалга ошириши;

- мансабдор шахсларни тайинлаши ва вазифасидан озод этиши, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг ҳайъати аъзоларини тасдиқлаши;
- амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қоидаларини янги қабул қилинганларига мувофиқлаштириши.

Жамоатчилик муҳокамаси институтининг тобора ривожланиб бораётганини, айниқса, кейинги йилларда 4 мингга яқин қонун ҳужжати лойиҳаси муҳокамасида кенг жамоатчилик фаол иштирок этиб, бунда 17 мингдан зиёд таклиф ва ташаббуслар келиб тушганда ҳамда булар асосида мингдан ортиқ ҳужжат қайта ишланиб, қабул қилинганда яққол кўришимиз мумкин.

### 13. ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 10-моддасига мувофиқ, давлат органлари, улар мансабдор шахс-ларининг фаолиятига таалуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқаролар, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

#### Эслаб қолинг!

##### Жамоатчилик эшитуви:



- фуқаролик институтлари жамияти томонидан ўтказилиши мумкин;
- турли ижтимоий гурӯҳларнинг вакиллари иштирокида ўтказилиши мумкин;
- оммавий ва очиқ ўтказилади;
- иштирокчилари ўз фикрини эркин билдириши ва тақлифлар киритишга ҳақли;

- ташкилотчиси жамоатчилик эншитувига киритилаётган масалалар, эншитувни ўтказини муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қиласди;
- ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эншитувига киритилаётган масалаларга таалуқли бўлган материаллардан жамоатчилик эншитувининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

## 14. ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГИ

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 11-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

### Эслаб қолинг!

**Жамоатчилик мониторингини қўйидагилар ўтказиши мумкин:**

- нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органлари;
- жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари.

Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очик ўтказилади. У ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг обьекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қиласди.

## 15. ЖАМОАТЧИЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасига мувофиқ, жамоатчилик экспертизаси норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатdir.

**Жамоатчилик экспертизасини қуйидагилар ўтказиши мумкин:**

- *нодавлат нотижорат ташкилотлари;*
- *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органлари;*
- *оммавий ахборот воситалари.*

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

Жамоатчилик экспертизасининг асосий мақсади, биринчи навбатда, қонун лойиҳаларини қабул қилишда фуқаролар манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳимоя қилишdir. Жамоатчилик экспертизасининг муҳим аҳамияти шундаки, у фуқаролар билан давлат органларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлайди. Бунда, шунингдек, қонун лойиҳаларининг сифати, самарадорлиги, қонун ҳужжатларига мослиги, қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ва оқибатлари чуқур таҳлил қилинади.

Жамоатчилик экспертизасини ўтказиш аҳолининг республика даражасидаги ва минтақавий миқёсдаги қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этишига ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, жамоатчилик назорати ва қонун чиқариш жараёни самарадорлигини оширади.

## 16. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гурӯҳларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳала-ри, давлат органлари, у мансабдор шахсларининг қонун хужжатлари талабларига риоя этишига, фуқаролар, юридик шахс-ларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатларини таъмин-лашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақса-дидага ахборот йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатdir.

### Эслаб қолинг!

**Жамоатчилик фикрини ўрганишни қўйидагилар ўтказиши мумкин:**



- нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органлари;
- оммавий ахборот воситалари.

## 17. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ВА АХБОРОТЛАРИНИ ЭШТИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасига мувофиқ, давлат органлари мансабдор шахсларининг

хисоботлари ва ахборотини эшитиш ваколати фуқаролар йигинига тегишли экани мустаҳкамланган.

### **Бунга кўра, фуқаролар йигини:**

– ҳар чоракда туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йигинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан хисоботларини эшитади;

– ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳукук-бузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг хисоботларини белгиланган тартибда эшитади;

– ҳар чоракда камида бир марта тегишинча оиласий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари ва таълим муассасалари раҳбарларининг хисоботларини эшитади;

– тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар (кўп квартирали уйлар) атрофидаги ҳудудларни саклаш қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, экин майдонларидан самарали фойдаланилиши ва ерларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

– ҳар чоракда камида бир марта ҳудуддаги хусусий уйжой мулкдорлари ширкатлари ҳамда кўп қаватли уйларни бошқарувчи бошқа ташкилот раҳбарларининг хисоботини эшитади;

– ҳар чоракда камида бир марта фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда **бир йилда камидা бир марта** тафтиш комиссияси раисларининг хисоботларини эшитади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Чунки улар бу йўналишда

олиб борилаётган ишларни кенг оммага етказади, фуқароларнинг бу жараёнларда иштирокчи бўлишига асосий кафолатлардан бири ролини ўтайди. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакиллари мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар ҳақида, уларнинг мазмун-моҳияти юзасидан мунтазам равишда тегишли тушунча ва маълумотларга эга бўлиб бориши керак.

## **18. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

### **Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари**

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасида жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

#### **Эслаб қолинг!**

**Фуқаролар жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин:**

- тадбирлар ташкил этиши ва уларда иштирок этиши;*
- зарур бўлган ахборотни давлат органларидан сўраб олиши;*
- таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишили давлат органларига кўриб чиқиши учун юбориши;*
- қонун бузилишии ҳолларида материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориши;*
- давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд судга ишикоят қилиши;*
- жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиши.*

**Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.**

## **19. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Маълумки, хуқуқ бўлган жойда мажбурият ҳам бўлади. Шу маънода жамоатчилик назорати субъектларининг қонун хужжатлари талабларига, қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиш, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик, давлат органларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибга йўл қўймаслик каби мажбуриятлари ўз ифодасини топган.

### **Эслаб қолинг!**

**Жамоатчилик назоратини амалга оширишда  
фуқароларнинг мажбуриятлари:**

- қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- қонунда белгиланган чекловларга риоя этиш;
- давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик;
- давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;
- фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибга йўл қўймаслиги;
- жамоатчилик назоратини амалга ошириш чогида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиши.

## ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, жамоатчилик назоратининг конституциявий-хуқуқий негизларининг яратилиши ва такомиллаштирилиши жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашда мухим асос бўлади. Давлат органлари билан фуқаролар ҳамкорлигининг тизимли ва қонуний йўлга кўйилиши одамларнинг кайфияти, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлаш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш ғоясини изчил амалга оширишда мухим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик назоратининг мавжуд шаклларини янада такомиллаштириш ва янги замонавий шаклларини миллий амалиётга жорий этиш, уларни янада ривожлантириш, бу борадаги камчиликлар ва ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишда юзага келадиган хуқуқий эҳтиёжларни аниқлаш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, энг мухими, бевосита фуқаролар хуқуқлари ва қонуний манфаатларини мухофаза қилиш механизмининг янада такомиллашувига хизмат қиласи.

Юқорида тилга олинган жамоатчилик назоратининг хуқуқий асосларини белгиловчи қонунларнинг жамиятда тўла-тўкис ишлаши кўп жиҳатдан фуқароларнинг хуқуқий маданияти даражаси, хуқуқий онги ва жамоатчилик фикрининг кучига ҳам боғлиқ. Шу сабабли жамоатчилик назорати институтининг амалда ишлаши учун мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг сиёсий, хуқуқий ва ижтимоий фаоллигини ошириш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир маҳалла, ҳар бир жамоа, оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик назорати хусусида доимий тарғибот ишларини олиб бориш талаб этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [uz.a.uз/oz/politics/konstitutsiya-va-qonunustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019](http://uz.a.uз/oz/politics/konstitutsiya-va-qonunustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019).
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи // – 25.01.2020.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б.76.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014. – №39. 488-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014. – №19. 209-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014. – №49. 578-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати” тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2016. LexUZ.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) // 22.04.2013 й. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 05.10.2019 й., 07/19/4473/3864-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони. // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2020 й., 06/20/5980/0450-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 05.07.2018 й., 07/18/3837/1454-сон; 30.05.2019 й., 06/19/5733/3216-сон.

## **ХАЙДАРАЛИ МУҲАМЕДОВ**

### **ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА ҚАТНАШИШ ХУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

*Масъул мұхаррір: Х. Салоева*

*Мұхаррір: Ф. Мұхаммадиева*

*Техник мұхаррір: У. Санаев*

*Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов*

Босишига рухсат этилди: 16.06.2021.

Хажми: 3.4 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 18.

Тошкент давлат юридик университети.

Типография бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.